
Оилавий болалар уйи тарбияланувчиларига байрам тухфаси улашилди

Байрам арафасида туман раҳбари оилавий болалар уйида бўлиб, хонадон эгалари ва болалар билан самимий суҳбат ўтказди. Бир-биридан зукко ва ақилли бўлиб тарбияланаётган ўғил-қизларга байрам кунлари кўтаринки кайфият улашилди.

- Болаларимизни тарбиялаш, ўқитиш, соғломлаштириш, ақлий, психологик ва жисмоний ривожлантириш, уларни ижтимоий мослаштириш ва муҳофаза қилиш учун янада қулай шарт-шароитларни яратишда чарчамаймиз, - деди туман ҳокими, - Улар бизнинг болаларимиз. Шундай экан, ҳеч нимадан кам бўлмай яшашлари, таълим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб борамиз.

Оилавий меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари ҳадя этилиб, болалар кўнгиллари ҳушнуд этилди.

2023-12-29 20:19:03